



20 20 у. « 10 » сентябрь

№ Қ-455

«    »    20    г.

**Термиз тумани “Амударё-Гулбахор” массиви  
“Гулбахор” маҳалласи ҳудудидан “Asian  
Trading Industry Holding” МЧЖга “Иссиқхона”  
қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 августдаги 05-02/541-сон йиғилиш баёни ва Термиз тумани ҳокимининг 2020 йил 16 июлдаги 01-08/295-сон хатини кўриб чиқиб,

**Қ А Р О Р    Қ И Л А М А Н :**

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 августдаги 05-02/541-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Амударё-Гулбахор” массиви “Гулбахор” маҳалласи ҳудудидан “Asian Trading Industry Holding” МЧЖга туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 130 ва 131-дала контурларидаги тупроқ унумдорлиги 37,5 балл бонитетли жами 4,6 гектар шундан 4,4 гектар суғориладиган бўз ер, 0,2 гектар ариқ ва зовурлар ер майдони қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадида “Иссиқхона” қуриш учун вақтинча (10 йил) муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “Asian Trading Industry Holding” МЧЖ раҳбари У.Маматовга:  
ажратилган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;

мақсадсиз фойдаланганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботида тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокими**



**Т.Боболов**